



ISSN 2181-9599

Doi Journal 10.26739/2181-9599

ЎТМИШГА НАЗАР

3 ЖИЛД, 6 СОН

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

ТОМ 3, НОМЕР 6

LOOK TO THE PAST

VOLUME 3, ISSUE 6



ТОШКЕНТ-2020

Бош муҳаррир:
Главный редактор:
Chief Editor:
Муртазаева Рахбар Хамидовна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Бош муҳаррир ўринбосари:
Заместитель главного редактора:
Deputy Chief Editor:
Джураева Нилуфар Далибаевна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон жаҳон тиллари университети

"Ўтмишга назар" илмий журнали таҳририй маслаҳат кенгаши
редакционный совет научного журнала "Взгляд в прошлое"
Editorial board of the scientific journal Looking into the past

Кебадзе Мадонна
Доктор исторических наук, Телавский государственный университет, Грузия

Эргашева Юлдуз Алимовна
*Тарих фанлари доктори, профессор
Қариш муҳандислик-иқтисодиёт институти*

Бурдиашвили Майя
Доктор исторических наук, Телавский государственный университет, Грузия

Теймураз Ахалмосулишвили
профессор, Телавский государственный университет, Грузия

Кожакеева Ляззат Темировна
*тарих фанлари доктори, доцент,
Хотин-қизлар давлат педагогика университети,
Қозоғистон Республикаси*

Халикова Рахбар Эргашевна
тарих фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат техника университети

Сагдуллаев Анатолий Сагдуллаевич
*тарих фанлари доктори, профессор, академик,
Ўзбекистон Миллий университети*

Ишанходжаева Замира Райимовна
тарих фанлари доктори, профессор в.б., Ўзбекистон Миллий Университети

Бобожонова Дилором Бобожонова
тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон жаҳон тиллари университети

Кобзева Ольга Петровна
тарих фанлари доктори, профессор в.б., Ўзбекистон Миллий университети

Зияева Доно Хамидовна
*тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти*

Одилов Аброр Анварович
тарих фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон Миллий университети

Аширов Адхам Азимбаевич
*тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти*

Ерметов Аваз Абдуллаевич
тарих фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон Миллий университети

Агзамова Гулчехра Азизовна
*тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти*

Саипова Камола Давляталиевна
тарих фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон Миллий университети

Ульжаева Шохистахон Мамажоновна
тарих фанлари доктори, Тошкент кимё - технология институти

Джоробекова Айнур Эшимбековна
*тарих фанлари номзоди, профессор, Ташқи ишлар вазирлиги қошидаги Дипломатия академияси,
Қозоғистон Республикаси*

Бабаджанова Нодира Абдуллаевна
тарих фанлари номзоди, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети доцент

Толипов Файзулла Саидович
Тошкент давлат техника университети доцент, тарих фанлари номзоди

Page Maker | Верстка | Саҳифаловчи: Хуршид Мирзахмедов

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

МУНДАРИЖА / СОДЕРЖАНИЕ / CONTENT


1.Рафикжон Атаханов ФАРҒОНА ВОДИЙСИ ҚОРАҚАЛПОҚЛАРИДА АНЪАНАВИЙ ЧОРВАЧИЛИК ХЎЖАЛИГИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ (хўжалик-маданий анъаналар тавсифи ва таҳлили).....	4
2.Фахриддин Абдулбоқиев ФАРҒОНА ВОДИЙСИ АҲОЛИСИННИНГ ИШ БИЛАН БАНДЛИГИ ВА МАВЖУД МУАММОЛАР.....	10
3.Илхомжон Гуламов XIX АСР ОХИРИ ТУРКИСТОНДА АҲОЛИНИ РЎЙХАТГА ОЛИШ: ТАРИХ, ТАҲЛИЛ ВА ХУЛОСАЛАР.....	18
4.Дилшод Комолов ТУРКИСТОН АССРДА АНЪАНАВИЙ СУДЛАР ТРАНСФОРМАЦИЯСИ.....	24
5.Фазилат Нурметова ЎЗБЕКИСТОН-ЖАНУБИЙ КОРЕЯ ЎЗАРО АЛОҚАЛАРИНИНГ РИВОЖЛАНИШИ (2000-2020 йиллар).....	31
6.Рислиғой Расулова ТУРКИСТОН ТАТАР ДИАСПОРАСИ МАСАЛАСИ ТАРИХШУНОСЛИГИГА БИР НАЗАР.....	37
7.Нилуфар Рахматова ЎЗБЕКИСТОНДА ТАДБИРКОРЛИК ВА УНДА ХОТИН -ҚИЗЛАРНИНГ ЎРНИ ВА РОЛИ ҲАҚИДА БАЪЗИ МУЛОҲАЗАЛАР.....	44
8.Дилшода Рўзиева ЯНГИЛАНАЁТГАН ЎЗБЕКИСТОН: ОИЛА МУСТАҲКАМЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДА АЁЛ МАЪНАВИЯТИНИНГ ЎРНИ.....	50
9.Шавкатжон Тўланбоев ГЛОБАЛЛАШУВ ВА МАЪНАВИЙ ТАҲДИДЛАР МАСАЛАСИНИ ТАДҚИҚ ЭТИШНИНГ НАЗАРИЙ-МЕТОДОЛОГИК МУАММОЛАРИ.....	55
10.Бахтиёр Халмуратов, Мадина Бахриддинова МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА ЎЗБЕКИСТОНДА ХУСУСИЙ МУЛКНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ТИЗИМИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИ.....	61
11.Солижон Қудратов ҚАДИМГИ ФАРҒОНА (ДОВОН) ПОДШОЛИГИ ТАРИХИГА ОИД АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР.....	68
12.Шахноза Холикулова ҚУЙИ ЗАРАФШОН ВОҲАСИ САНОАТ КОРХОНАЛАРИНИНГ АҲОЛИНИ ИЖТИМОИЙ ВА МАДАНИЙ ҲАЁТИГА ТАЪСИРИ.....	74

ЎТМИШГА НАЗАР ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ LOOK TO THE PAST

Солижон Кудратов,
тарих фанлари номзоди, доцент,
ГулДУ “Тарих” кафедраси мудир

ҚАДИМГИ ФАРҒОНА (ДОВОН) ПОДШОЛИГИ ТАРИХИГА ОИД АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР

For citation: Solijon Kudratov. SOME COMMENTS ON THE HISTORY OF THE ANCIENT FERGANA KINGDOM (PASS). Look to the past. 2020, vol. 6, issue 3, pp.68-73

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2020-6-11>

АННОТАЦИЯ

Мақолада Довон подшолигининг пойтахти тўғрисида ёзма ва археологик материаллар таҳлил қилинган. Шунингдек мил. авв. III-II асрлардаги Фарғона давлати ҳақида маълумотлар келтирилган.

Калит сўзлар: Кушон, Шарқий Фарғона, Довон, Ўзган, Қорадарё, Шўрабашат, Эйлатон

Солижон Кудратов,
Кандидат исторических наук, доцент
ГулГУ заведующий кафедрой истории

НЕКОТОРИЕ КОММЕНТАРИЕВ ПО ИСТОРИИ ДРЕВНЕГО ФЕРГАНСКОГО ЦАРСТВА (ПЕРЕВАЛ)

АННОТАЦИЯ

В статье на основе анализа письменных и археологических материалов высказаны новые взгляды по первоначальной территории и о столице Даванского царства. А также, выделен керамический комплекс относящийся к III-II векам до н.э. древней Ферганы.

Ключевые слова: Кушан, Восточная Фергана, Даван, Узген, Карадарья, Шурабашат, Эйлатан.

Solijon Kudratov,
Candidate of Historical Sciences
Associate Professor Guldu Head of the
Department of history

SOME COMMENTS ON THE HISTORY OF THE ANCIENT FERGANA KINGDOM (PASS)

ABSTRACT

In article on the basis the article based on the analysis of written and archaeological materials expressed new views on the original territory and on the capital of the Davan kingdom. Also, a ceramic complex dating back to the III-II centuries BC is highlighted ancient Fergana.

Index Terms: Kushan, East Fergana, Davan, Uzgen, Karadarya, Shurabashat, Eilatan.

1. Долзарблиги:

Қадимдан ўтроқ-деҳқончилик ва кўчманчи-чорвачилик билан шуғулланган аҳолининг ёнма-ён ҳаёт кечириш тарзи Фарғона тарихининг ўзига хослигини белгилайди. Соё ва дарёлар бўйларидаги воҳаларда деҳқончилик билан шуғулланган аҳоли яшаган бўлса, тоғ, тоғ олди ва қир-адирларда аҳоли чорвачилик билан шуғулланган. Бундай ўзига хослик С. Сорокин таъбирича “ягона ҳаёт тарзининг икки бўлаги” кўринишида бўлган [1: 54-р]. Улар уйғун равишда ривожланишган. Айнан шу ҳолат Фарғона моддий маданияти ривожининг ўзига хослигини белгилаган.

Фарғона водийсида ўтроқ-деҳқончилик ривожини учун зарур бўлган барча табиий-географик шарт-шароитлар мавжуд бўлган. Бироқ ўзлаштирувчи хўжалиқдан ишлаб чиқарувчи хўжалиққа ўтиш бу ерда Марказий Осиёнинг жанубига қараганда нисбатан бир мунча кечроқ юз беради. Фақатгина мил.ав. II минг йиллик охири - I минг йиллик бошларига келиб Фарғона водийсининг турли қисмларида чуқур маданияти вакилларига тегишли унча катта бўлмаган деҳқончилик воҳалари пайдо бўлади [2:11-р].

2. Методлар ва ўрганилганлиги даражаси:

Мил.ав. I минг йиллик бошларидан то мил.ав. III асргача бўлган даврда Фарғона моддий маданиятида Помир-Олой, Тянь-Шань, Еттисувда яшаган чорвадор қабилалар маданиятлари билан умумий ўхшашлик кузатилади. Аксинча ушбу даврда Фарғона маданияти Сўғд, Бактрия, Марғиёна, Парфия, Хоразм каби Марказий Осиёнинг деҳқончилик ҳудудлари билан маданий алоқалари у қадар сезилмайди. Бу маълум маънода Фарғонанинг Марказий Осиёнинг жанубий-ғарбий ҳудудларидан фарқли равишда Аҳомонийлар империяси таркибига кирмаганлиги билан изоҳланади. [3:48-р].

Қадимги Фарғонанинг ғарбий чегаралари бўлмиш, Сирдарё бўйларида македониялик Александр қўшинларининг тўхтатилиши сабаб, Фарғона Салавкийлар ва Юнон-Бактрия давлатлари таркибига ҳам кирмаган [4:198-р], шу билан бирга, Фарғонанинг Юнон-Бактрия давлати таркибига кирганлиги борасида қарашлар ҳам мавжуд.

Шунингдек, тадқиқотчилар (А. Н. Бернштамдан бошқа) Фарғонани Кушонлар давлати таркибига кирмаган деб ҳисоблашади [5: 54-р].

Шу тариқа Фарғона тарихи, унинг моддий маданияти узоқ вақт давомида ўзига хослигини сақлаб қолди.

Деҳқончилик мамлақати сифатида қадимги Фарғонада шубҳасиз жуда кўп аҳоли манзилгоҳлари бўлган, бироқ ҳозирда уларнинг каттагина қисми яқин ўтмишимизда интенсив деҳқончилик туфайли йўқ қилинган. Мавжудлари эса охиригача аниқ бўлмаган ҳисоб-китобларга кўра 1000 дан ошади.

Фарғонада бронза давридан бошлаб, аҳолининг воҳа-воҳа бўлиб яшаш тарзи кузатилади. Ҳар бир воҳа бир-биридан 20-30 км. узоқликда жойлашган ва ҳар бир воҳанинг марказий шаҳари бўлиб, унинг атрофида бир нечта қишлоқ манзилгоҳлари бўлган. Ёдгорликларнинг бундай жойлашиши, Фарғонада давлатчилик тизими худди қадимги Шарқда бўлганидек, “шаҳар-давлат” ёки “воҳа-давлат” кўринишида шаклланганлиги борасида фикр билдириш имконини беради. Аҳолининг бундай жойлашиш тарзи ирригация(сунбий суғориш) тизими ривожини билан боғлиқ бўлиб, кейинги даврларда ҳам кузатилади.

Аҳоли манзилгоҳлари айниқса, Шарқий Фарғона (Ўзген ва Қорадарё воҳалари)да зич жойлашган. Бу авваломбор табиий шароит билан боғлиқ. Зеро, Фарғона водийси ягона географик ҳудуд ҳисоблансада, унинг турли қисмларида табиий шароитлар фарқ қилади. Масалан, Кўкон ва унинг ғарбида бир йиллик ёғингарчилик миқдори 80-100 мм.ни, Андижон

атрофида 230-260 мм.ни, Ўш шаҳри атрофида 360 мм.ни ташкил этса, Ўзген воҳасида бу кўрсаткич 600 мм.гача боради. Ушбу худудда Қорадарё ва Ясси каби тоғлардан бошланувчи дарёлар бу ерларни суғориш билан бирга ер унумдорлиги юқори бўлишини ҳам таъминлаган. Натижада бу ерда водийнинг қолган қисмига қараганда деҳқончилик қилиш учун қулай шароит бўлган. Шу сабабли ҳам бронза даврига оид деҳқончилик билан шуғулланган аҳолиги тегишли чуст маданияти манзилгоҳларининг ҳам кўпчилиги айнан шу худудда жойлашган.

Кейинчалик, айнан шу худудда сунъий суғоришнинг ривожини натижасида, қулай табиий иқлим сабаб “воҳа-давлатлар” конфедерацияси – Довон подшолиги пайдо бўлади. Ёзма манбаларда ёзилишича ушбу давлат милодий 220-419 йилларгача мавжуд бўлган. Ушбу подшоликнинг қачон пайдо бўлганлиги масаласи фанда аниқ эмас. Довон подшолиги юқорида таъкидланганидек, “воҳа-давлат”лар иттифоқи кўринишида мавжуд бўлган. Ҳар бир “воҳа-давлат” ўз маркази-(шаҳар)га эга бўлган. Хитой манбаларида келтирилган Довон подшолиги кенгашига тўпланиб, турли масалаларни ҳал қилувчи бошлиқлар, айнан шундай воҳаларнинг бошлиқлари бўлган бўлишлари мумкин.

Фарғона водийсида Довон подшолиги даврига оид жами 600 га яқин аҳоли манзилгоҳлари аниқланган бўлса, уларнинг 450 дан ортиғи Шарқий Фарғона худудига тўғри келади. Шундан келиб чиқиб, Н. Г. Горбунова хитой манбаларида келтирилган Довон подшолиги шу худудда бўлганлигини тахмин қилади[6: 118-р].

Дарҳақиқат, Шарқий Фарғона моддий маданияти ўзига хослиги билан ажралиб туради. Бу ўзига хослик айниқса, сополчиликда яхшироқ намоён бўлади. Ушбу худудда Фарғонанинг бошқа худудларида деярли учрамайдиган ўзига хос қўлда ишланган ва бўёқли нақшга эга сопол идишлар кўплаб учрайди. Айрим мутахассислар буни ўзига хослик (“локальный вариант”) деб ҳисобласалар, айримлар бу ҳолатни даврий фарқ билан изоҳлайдилар.

3. Тадқиқот натижалари:

Ушбу муаммо ечимида, ушбу сатрлар муаллифи томонидан 1988-1990 йилларда Эйлтон ёдгорлигида олиб борилган археологик тадқиқотлар натижаси муҳим аҳамиятга эга. Ёдгорлик турли даврларда турли олимлар томонидан ўрганилган. Ўрганишлар натижасида олинган сопол идишлар мутахассислар томонидан турлича даврлаштирилиб келинган. Бизнинг Эйлтонда олиб борган археологик қазишмаларимиз чоғида иккита хумдонлар топилди. Муҳими, бу хумдонлардан жуда яхши сақланган бошқа давр сопол идишлари билан аралашмаган (ёпиқ комплекс) сопол идишлар олинди. Уларни ўрганиш чоғида биринчи бор Эйлтон маданияти сополчилигига хос бўлган, чархда ишланган “оч фонда”ги сопол идишлар билан биргаликда қизил ангобли идишлар ҳам учради[7: 11-р]. Шу пайтгача фанда “оч фонли” сопол идишлар қизил ангобли идишлар билан биргаликда учрамайди деб келинади. Бизнинг тадқиқотларимиз бу фикрнинг нотўғри эканлигини исботлади. Эйлтондан олинган сопол идишларни шартли равишда тўрт гуруҳга бўлиш мумкин:

1. Қўлда ишланган, қизил бўёқ билан қопланган ярим шар формадаги косалар. Улар чуст маданиятига тегишли худди шундай кўринишдаги косалар билан генетик боғлиқ.

2. Чархда ишланган “оч фон”ли хурмачалар. Улар Марказий Осиёнинг жанубий ва ғарбий қисмидаги деҳқончилик худудларида учрамасада, “сармат”лар дунёси оид ёдгорликларда кўплаб учрайди.

3. Чархда ишланган, қадах (20 экз.), кўза(50 экз.) ва косалар(100 экз.). Улар Марказий Осиёнинг жанубий ва ғарбий худудларидаги мил.ав. III-II асрларга оид ёдгорликларида учрайди.

4. Чархда ишланган қизил ангобли (100 экз.) хурмачалар. Уларнинг характерли белгилари ип билан ажратилган, кичик диаметрли(диаметр 10-13 см.) қисқа, тик оғиз қисми силлиқ равишда ярим шар шаклидаги қорин қисмига ўтади. Ўтиш одатда ё “чуқурча” билан ёки “валик” билан ажралган. Таъкидлаш керакки, Фарғона моддий маданияти тарихидаги энг қадимги қизил ангобли идишлар бўлган бу хурмачалар, чуст маданиятига хос бўлган шундай идишларга шаклан ўхшаб кетади.

Ушбу давр (мил.ав. III-II аср) Марказий Осиё сополчилигида ўтиш даври хисобланади. Ушбу даврнинг характерли томони сополчиликда янги формалар пайдо бўлиши билан изоҳланади. Бу ҳолат Эйлтон сополчилигида ҳам кузатилади. Бу ерда архаик формадаги сопол идишлар билан биргаликда янги формадаги сопол идишлар: кадах, кўза, ва косалар учрайди. Қизил ангобли хурмачаларнинг учраши ҳам муҳим. Қизил ангобли сопол идишлар Марказий Осиёнинг жанубий ва жанубий-ғарбий ҳудудларида ҳам (Хоразмдан бошқа) айнан мил.ав. III-II асрда пайдо бўлади.

Эйлтон деворидан, хумдонлардан ва маданий қатламлардан топилган сопол идишларнинг бир хиллилиги шаҳар мудофаа деворининг қурилиш даврини мил.ав. III-II аср билан белгилашга асос бўлади.

Эйлтонда янги сопол идиш формаларининг пайдо бўлишини Фарғонага Марказий Осиёнинг жанубий ва ғарбий ҳудудларининг таъсири деб изоҳлаш мумкин. Шу билан бирга, Александр Македонский томонидан Сўғда тор-мор этилган сўғдларнинг бир қисмининг Фарғонага кўчган бўлиши ҳам эҳтимолдан холи эмас.

Шундай қилиб, Фарғона тарихи учун муҳим бўлган давр сопол идишлари борасида ишонarli маълумотга эга бўлинди. Эндиликда бу маълумотлар Фарғона тарихини даврлаштириш учун муҳим аҳамиятга эга хисобланади. Ундан келиб чиқиб, Фарғона тарихи даврлари бўйича янги фикр билдириш имконига эга бўлинди.

Олинган археологик материалларнинг бошқа ёдгорликлардан топилган сопол идишлар билан таққослаш натижасида шу нарса аниқландики, мил.ав. III-II асрларга оид сопол идишлар Фарғонада ҳозирча фақатгина шарқий Фарғонадаги ёдгорликлардан топилган. Булар ичида Эйлтон ва Шўрабашат ёдгорликлари алоҳида ажралиб туради.

Эйлтон – ички ва ташқи қисмлардан иборат. Ички қисм узунлиги 500х400 метр бўлган девор билан ўраб олинган, Девор хом ғиштдан урилган. Деворнинг қалинлиги 4 метр, сақланиб қолган баланлиги 3,5 метрни ташкил этади. Ҳар 60 метрда тўғри тўғрибурчакли(10,5х10 метр) миноралар жойлашган. Миноралар девордан 4-5 метр чиқиб туради.

Ташқи қисм ҳам девор билан ўраб олинган бўлган. Шимолий девор узунлиги 2 км.ни, шарқий девор узунлиги 900 метрни ташкил этади. Мутахассислар фикрича, ташқи шаҳар жануб томондан сув тўлдирилган хандақ билан химояланган, шу сабабли бу томонда девор бўлмаган. Ташқи қисмда бирор-бир турар жой бўлмаган деб тахмин қиланади. Бу ер чорва учун кўра вазифасини ўтаган[8: 195-р].

Иккинчи бир йирик шаҳар Шўрабашат хисобланади. Ушбу ёдгорлик Ясси дарёсининг ўнг қирғоғида, Ўзген шаҳридан 10 км. узоқликда шаҳардан шимолий-ғарбда жойлашган бўлиб, унинг сақланиб қолган майдони 70 гектарни ташкил этади. Дарё бўйлаб ғарбдан шарққа томон чўзилган шаҳар 4 қисмдан иборат. Уч томонидан мудофаа девори билан ўраб олинган. Фақат дарё томонида девор бўлмаган. Шаҳар-ёдгорлик атрофида бир нечта қишлоқ-манзилгоҳлар жойлашган. Шўрабашат атрофида қишлоқ манзилгоҳларининг зич жойлашуви бу ҳудудда ирригация ривожини билан боғлиқ [9: 304-р].

Шарқий Фарғонада ушбу давр(мил.ав. III-II аср)га оид 40 дан ортиқ ёдгорликлар мавжуд. Ушбу даврда аҳоли сони ҳам сезиларли равишда ошади. Мутахассислар фикрича, ушбу даврда ҳуст даврига нисбатан аҳоли 15 баробарга ошган. “Шўрабашат” даври Ю. А. Заднепровский томонидан мил.ав. IV-I асрлар билан белгиланади.

Бизнинг назаримизда Довон пойтахтини айнан аҳоли энг зич жойлашган шарқий Фарғонадан ахтарган маъқул. Бундай фикрга келишимизда шарқий Фарғонадаги аҳоли манзилгоҳларининг бир мунча қадимийроқ эканликлари ҳам муҳим аҳамиятга эга. Яъни бу ҳудудда ҳуст маданияти ўрнига, унинг вориси сифатида “шўрабашат маданияти” келади. Муҳими, “шўрабашат” даври ёдгорликларининг жойлашган ҳудуди ҳуст маданиятининг шарқий вариантыга тегишли ёдгорликлар жойлашган ҳудудга тўғри келади.

Бизнинг қўлимиздаги мил.ав. III-II асрларга оид сопол идишлар комплексининг мавжудлиги Довон давлат пойтахти масаласида ҳам баъзи бир мулоҳазаларни билдириш имконини беради. Гап шундаки, хитой манбаларида Довонда 70 га яқин катта-кичик

шаҳарлар бўлганлиги ҳақида маълумот берилади. Уларнинг учтасининг: Эрши, Ю-чен ва Гуйшаньларнинг номлари келтирилади. Манбаларда уларнинг жойлашган жойи борасида бирор-бир аниқ маълумот берилмаган. Шу сабабли, ушбу шаҳарларнинг Фарғона водийсидаги қайси қадимги ёдгорликлар ўрнида бўлганлиги масаласида мутахассислар узок йиллардан бери баҳслашиб келишади. Бернштам, Заднепровский, Горбунова, Матбобоевлар Довон давлатининг пойтахти ҳозирги Марҳамат шаҳарчаси ўрнида бўлган Эрши деб ҳисобласалар, Анорбоев Эршини Наманган яқинидаги Ахсикент деб, қирғизистонлик олима Ташбаева эса Эрши бу Ўш деб, хитой манбаларида келтирилган узунлик ўлчовлари асосида Бичурин ва Боровковалар эса Эршини Қўқон атрофида бўлган деб тахмин қиладилар.

4.Хулосалар:

Қадимги хитой манбаларидаги маълумотларни, чуқур ўрганиш натижасида А. Хўжаев манбаларда Эрши қадимий Фарғона давлатининг пойтахти бўлганлиги тўғрисида маълумот учрамаслигини ва Эрши зотли отлар боқиладиган жой эканлигини таъкидлаб, уни Ўш шаҳри билан таккослайди.

Мутахассис фикрича, қадимий Фарғона мамлакати билан унинг илк пойтахт шаҳрининг номи бир хил (Юан) бўлган ва улар хитойча атрофи тоғлар билан ўралган текислик маъносини билдирган. Афсуски, хитой манбаларидан «Юан-чэнг», яъни Паркона шаҳрининг ўрни ҳозирги қайси шаҳарга тўғри келишини билиб олиш қийин.

Хитой манбаларида тилга олинган яна бир шаҳар бу Юйчэнг-чэнг қадимги Фарғона давлатининг шарк томонида жойлашган ва бу шаҳар Хан империяси кўшинлари ҳужумига икки бор дуч келган. Хитойшунос олим «Юйчэнг»ни Ўзган билан қиёслади.

Бизнинг назаримизда хитой манбаларида тилга олинган «Юйчэнг» бу шарқий Фарғонадаги “Шўрабашат” ёдгорлиги бўлиши мумкинлиги ҳақиқатга кўпроқ тўғри келади. Чунки, бу даврга оид(мил.ав. III-II асрлар) бошқа йирикроқ ёдгорлик топилмаган. Энди мутахассис А. Хўжаевнинг қадимги Фарғона пойтахти Юан-чэнг эканлиги борасидаги фикрларини инобатга оладиган бўлсак, у ҳолда бу шаҳар номига асосий даъвагор назаримизда ушбу даврга оид яна бир йирик шаҳар Эйлотан бўлиши мумкин. Мутахассислар томонидан Довон давлати пойтахти деб билдирилаётган Марҳаматда ҳам Ахсикентда ҳам мил.ав. III-II асрларга оид сопол идишлар мавжуд эмас. Шунингдек, хитой манбаларида Ю-чэн билан пойтахт ўртасидаги масафо 200 ли (115.2 км) эканлиги борасидаги маълумот ҳам икки ёдгорлик - Шўрабашат ва Эйлотан ёдгорликлари ўртасидаги масафого тўғри келади. У ҳолатда самовий отлар боқилган Эрши балким ҳақиқатан ҳам Ўш бўлган бўлиши мумкин.

Хулоса тариқасида шуни айтиш мумкинки, ўзбек давлатчилиги тарихида муҳим ўрин тутувчи Довон подшолиги “воҳа-давлат”лар конфедерацияси кўринишида мил.ав. III-II асрларда Шарқий Фарғонада, Ўзген ва Қорадарё водийсида пайдо бўлади. Мил.ав. II-I асрларда Довон давлати ўзининг гуллаган даврини бошдан кечиради. Чамаси айнан шу даврга у ўзининг худудини марказий ва ғарбий Фарғона томон кенгайтиради.

Иқтибослар/Сноски/References:

-
- [1].Sorokin S.S. Some questions of the origin of ceramics of the catacomb graves of Fergana.-SA,20,1954.)
- [2].Zadneporovsky Yu.A.N The ancient agricultural culture of Fergana.-MIA,118,1962.)
- [3].Borovkova L.A.West-Central asia in the II century.BC-VII in.AD// Historical and heographical review of ancient Chines sources.M.,1989)
- [4].Tarn W.W.The Greeks in Bactria and India Cambridje,1938.
- [5].Gorbunova N.G. Fergana in Kushan time.-In the book: Central Asiya in the Kushan era.M.,2,1975)
- [6].Gorbunova N.G.Fergana settlements of the first centuries of our era (some results of the study).-CA,3
- [7].Kudratov S.S. Settlements of the left bank of the river.Naryn in Fergana (3rd century BS-5 th century AD)//Diss....cand.. historical scince.St.Petersburg,1992)

- [8].Oboldueva T.G. On the dating of the walls of Eilatán// СА№4.from 186-195.М.,1981.)
[9].Bichurin N.Уа.Collection of information about the peoples living in the Middle)

ЎТМИШГА НАЗАР

3 ЖИЛД, 6 СОН

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

ТОМ 3, НОМЕР 6

LOOK TO THE PAST

VOLUME 3, ISSUE 6

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000